

Имом Бухорийнинг мартабаси



08:00 / 29.07.2020 1139

Муҳаммад ибн Абу Ҳотимдан ривоят қилинади: «Абу Заррнинг шундай деганини эшитдим: «Муҳаммад ибн Ҳотим Халқонийни тушимда кўрибман. У Муҳаммад ибн Ҳафснинг асҳобларидан эди. Вафот этганларини билганим учун устозим ҳақида сўрадим: «У кишини кўрдингизми?» У «Ҳа, уни кўрдим» деб, бир жойга ишора қилди. Кейин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ҳақида сўрадим. У: «Уни кўрдим», деди ва осмонга шундай ишора қилдики, ишора қилган жойи баланд, олийлигидан турган жойидан йиқилай деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан